Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 97 (5. 988) • 1986 йил 26 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 24 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги якунларини кўриб чиқди. 159 миллион киши қатнашган Коммунистик шанбалик совет кишиларининг юксак сиёсий ва меҳнат активлигининг, улар партия XXVII съезди қарорларига амалий ишлар билан жавоб қайтариш иштиёқида эканликларининг ёрқин далили бўлиб қолди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Коммунистик шанбалик якунлари ва ишлаб топилган маблағларни сарфлаш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро КПСС XXVII съезди якунлари мамлакат партия ташкилотларида қандай муҳокама этилаётганлиги тўғрисидаги масалани тинглаб, шуни мамнуният билан қайд этдики, съезднинг жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш соҳасида ишлаб чиққан бош йўлини меҳнаткашлар ҳамма жойда батамом қўллаб-қувватламоқдалар. Партия съездининг руҳи, съезд қарорларининг сафарбар этувчи кучи партия, бутун мамлакат ҳаётига тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Шу билан бирга Сиёсий бюро партия, давлат ва хўжалик органларининг ишини КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ қайта қуришни жадаллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Уларнинг фаолиятида амалий ишлар, халқ хўжалик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришдаги конкрет натижалар асосий ва белгиловчи мезон бўлиши керак. Ҳар бир партия ташкилотининг энг муҳим иш бўғинларини аниқ-пухта белгилаб олишда уларга ёрдам бериш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юксак пировард натижаларга эришиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг оператив равишда ҳал этилишини таъминлаш муҳимдир.

Партия комитетлари пленумларда ва партия йиғилишларида билдириладиган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг рўёбга чиқарилишини ишчанлик билан ташкил этишлари, хато ва камчиликларни сўзда тан олиб, уларни тузатиш учун ҳеч нарса қилмаётган коммунистларга принципиал баҳо беришлари, расмиятчилик ва қоғозбозликдан қатъиян халос бўлишлари, куч-ғайратни бевосита меҳнат коллективларида ишларни ташкил этишга қаратишлари лозим.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг енгил саноатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ҳамда уни бошқаришни такомиллаштиришни яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда тармоқ ишининг иқтисодий механизмини қайта қуриш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда туб силжишларни таъминлаш, совет кишиларининг муттасил ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида шундай моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва хиллларини кўпайтириш тадбирлари кўзда тутилган. Бирлашмалар ва корхоналарни бошқаришнинг иқтисодий методлари ривожлантирилади. Савдо буюртмалари ишлаб чиқариш планларини тузишга асос бўлади. Енгил саноатни бошқариш ташкилий структурасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Жумладан, бу йўналишлар катта, ўрта ва майда корхоналарнинг оқилона қўшилишини, бошқарув бўғинлари қисқартирилишини, ишлаб чиқариш ва саноат-савдо бирлашмаларининг янги типини ташкил этишни кўзда тутади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари ҳам кўзда тутилган.

Сиёсий бюро «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексини ташкил этиш тўғрисида ҳукумат киритган таклифни қўллаб-қувватлади. Шу комплекснинг ташкил этилиши кўз хасталигини даволашда аҳолига хирургия ёрдамини тубдан яхшилаш проблемасини ҳал этишга принципиал янги позициялардан ёндашиш, бундай ёрдам ҳажмини шу беш йилликнинг ўзидаёқ анча ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Германия Бирлашган социалистик партияси XI съездида КПСС делегациясининг иштироки, ўртоқ Э. Хонеккер ва ГДРнинг бошқа раҳбар арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар, республика меҳнаткашлари билан учрашувлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сиёсий бюро делегациянинг ишини маъқуллаб, социалистик қурилиш ва халқаро сиёсатнинг барча масалалари юзасидан партияларимиз ҳамда давлатларимизнинг позициялари бир-бирига батамом мос эканлигидан мамнуният изҳор қилди. Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикасининг социалистик жамиятни ривожлантиришни жадаллаштириш манфаатлари, социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий соҳалар ҳамда бошқа соҳалардаги қардошларча ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бўлган икки томонлама иштиёқи юксак баҳоланди.

Ўртоқ Л. Н. Зайковнинг Италия Коммунистик партияси XVII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки ҳақидаги, шунингдек делегациянинг ИКП Бош секретари А. Натта билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилиб, маъқулланди. Ана шу учрашув чоғида иккала партия ўртасидаги алоқаларни янада чуқурлаштиришга доир бир қанча масалалар муҳокама этилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг Бош министр И. Карлссон бошчилигидаги Швеция ҳукумат делегацияси билан ўтказган музокаралари ҳамда суҳбатларининг якунларини муҳокама этди. Бизнинг Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасида барқарор, дўстона муносабатларни таъминлашга интилаётганлигимиз таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида иқтисодий ва маданий қурилишга, шунингдек халқаро кескинликни юмшатишга, низоли муаммоларни тинч йўл билан бартараф этиш, барча давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган ташқи сиёсий фаолиятга оид бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

## Замондошимиз



Шаҳримиздаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида полимер буюмлар билан савдо қиладиган фирма-магазин бор. Бу магазинда шаҳримиздаги навқирон корхоналардан бўлган «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган маҳсулотлар сотилади. Магазиндан рўзғор учун зарур бўлган, полимердан тайёрланган юқори сифатли буюмларни харид қилиш мумкин. Бу буюмларни ёш, ўз касбига муҳаббат қўйган йигит-қизлар ишлаб чиқаришади. Шулардан бири сиз юқоридаги суратда кўриб турган Юнус Отажоновдир. У бирлашманинг тажриба заводида меҳнат қилаётганига олти йил бўлди. У жуда тез вақтда коллективда меҳнати билан танилиб, комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ этиб тайинланди. Ҳозирги кунда Юнус Отажонов бошчилигидаги бригада ишчилари «Олень» соати корпусини тайёрлашяпти. Коллектив «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида давом этган социалистик мусобақа ғолиби бўлганди. Ҳозирги кунда эса ёшлар меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Майни тўрт ойлик топшириқни муддатидан аввал бажариш билан кутиб оляпти.

Яқинда завод коммунистлари Юнус Отажоновнинг меҳнатсеварлиги ва жамоат ишларида фаол иштирок этишини ҳисобга олиб, КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди.

Т. Каримов фотоси.

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Область партия комитетлари секретарлари, бўлим мудирлари, шаҳар, район партия комитетлари биринчи секретарларининг 25 апрель куни Тошкентда очилган республика семинар-кенгашида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилмоқдалар. Ушбу семинар-кенгашнинг биринчи иш куни ҳақидаги ҳисобот эълон қилинган.

▲ Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 25 апрель куни бўлиб ўтган йиғилиши Афғонистондаги Савр инқилобининг саккиз йиллигига бағишланди.

## Мафтунингман, Тошкентим

ШУНДАЙ кунлар бўладики, ҳаётингда бир умр муҳрланиб қолади. Тошкент зилзиласи мен учун ҳам худди ана шундай кун бўлди. Табиий офат. Бу ҳақдаги радио хабарлари, телевизор кўрсатувлари. Бири-биридан даҳшатли сўзлар ва мишмишлар қулоққа чалинарди.

Наҳотки мен яшаган шаҳар вайрон бўлган бўлса? Наҳотки менга она шаҳримдек азиз бўлиб қолган Тошкент катта талафот кўрган бўлса, деб ўйланиб кетардим...

Ҳаёт қизиқ. Баъзан бирор сабаб билан яшаб турган жойингни ўзгартиришга тўғри келаркан. 1948 йили биз учун ҳам шундай бўлди. Оиламиз Тошкентга кўчадиган бўлди. Отамни шу ерга ишга юборишган эди. Шундай қилиб Псков областининг Великие Луки шаҳрини тарк этдик.

Тошкентга кўчиб келганимизда ҳали анча ёш эдим. Шаҳар мени ниҳоятда ўзига мафтун этганди. Ўша-ўша шу ерда яшаб қолдик. Мен қурилишда ишлардим.

1966 йилнинг бошида бирдан ўз юртимизга кўчиб кетадиган бўлиб қолдик. Чунки қари онам бир ўзи ёлғизланиб қолганди. У ерда ҳам қурилишда ишладим.

26 апрель куни эрталаб қурилишга борсам ҳамкасбларим менга Тошкент зилзиласи ҳақида гапириб қолишди. Бир зум даҳшатда қотиб қолдим. Наҳот мен учун қадрдон бўлган, ёшлигимнинг бутун бахтли онлари ўтган она шаҳрим зилзиладан қаттиқ шикастланган бўлса? Юрсам, ҳам турсам ҳам шу савол хаёлимда чарх урарди. Шундай кунларнинг бирида кўнгилли равишда Тошкентга бориб ишлаш истагини билдирган кишилар рўйхатга олинаётганлиги ҳақидаги сўзлар қулоғимга чалиниб қолди. «Қайтиб кетаман». Ўшанда дафъатан шу сўз келди хаёлимга. Эртасига ўзим ишлаётган корхонага бориб, Тошкент қурилишига бориш истагини билдириб рўйхатга ёзилдим. Орадан кўп ўтмай дўст-биродарлар билан хайрлашиб Тошкентга қайтиб келдим.

Вокзалда бизни республика ва шаҳар вакиллари кутиб олишди. Кишилар руҳида тетиклик ва ҳаяжон барқ уриб турибди. Гўё шаҳарда ҳеч нарса рўй бермагандек эди. Одамларнинг кайфияти ҳам яхши. Кейин билсам бунинг боиси бор экан. Агар халқ жазм этса, қўллар бирлашса ҳар қандай ишни бажаришга қодир экан. Агар дўстлар ёрдамга келса ҳар қандай жароҳат ҳам тез битиб кетаркан! Дўстлик шундай қудратли куч эканки, у тўлқинланса ҳар қандай буюк ишларни амалга ошириш мумкин экан!

ЭРТАСИГА ишга киришиб кетдик. Ишни уч сменада ташкил этдик. Кечаси-ю кундузи тиним билмасдик. Ўчакишгандек ер тез-тез силкинар, зилзила бир кун ҳам тинчлик бермасди. Бироқ вақт ғанимат эди. Қишли-қировли кунлар яқинлашиб келар, кўпчилик ҳали палаткаларда яшарди.

Эрталаб газеталарни кузатиб борардим. Тошкентга ёрдам ёки зилзила билан боғлиқ хат-хабарларни синчковлик билан ўқиб чиқардим. Одамлар ҳимматига қойилман. Қўлидан келган ёрдамини аямасди. Ҳатто ўқувчилар, боғча болалари янги кўйлак олиш учун йиғиб қўйган жамғарма пулларини бажонидил ёрдам фондига жўнатишарди.

Дўстлар ёрдамида Тошкент қайта тикланарди. Нафақат қайта тикланар, балки янги шаҳар қад кўтармоқда эди. Ҳамма жойда қурилиш борарди. Ҳар бир участкада бунёдкорлик ишлари авж оларди.

Халқ жасорати билан тезда жароҳат излари барҳам топди. Эл қудратига зилзила ҳам тоб беролмай сўнди. Тошкент гўзал шаҳарга айланди. Бу шаҳар мен учун энди жуда-жуда қадрдон бўлиб қолганди. Ахир шу ерда бахтимни топдим. Оилали бўлдим. Турмуш йўлдошим Н. Чачен ҳам, ўғлимиз Владимир ҳам қурилишда ишлардик. Бу жойни тарк этиш биз учун оғир эди. Ниҳоят бутунлай Тошкентда қолишга аҳд қилдик. Биргина биз эмас ўша оғир дамларда ёрдам қўлини чўзиб келган дўстларнинг кўпчилиги учун бу шаҳар жонажон ва қадрдон бўлиб қолди.

Мана, орадан 20 йил ўтди. Шу йиллар давомида қанчақанча қурилишларда қатнашдим. Бир сўз билан айтганда, Тошкентдек шаҳри азимни бунёд этишда кичик улуш қўшганимдан бениҳоя миннатдорман. Бу меҳмондўст элга заррача ёрдамимиз текканидан оиламиз бахтиёр.

Ҳозир «Главташкентстрой»нинг 1-пардозлаш трестига қарашли 28-қурилиш бошқармасида бўёқчилар бригадасига бошчилик қиляпман. Бригадамиз аъзолари ўз касбларини сидқидилдан севадиган кишилар.

КОЛЛЕКТИВИМИЗ шу кунларда шаҳримиздаги Фрунзе номидаги 160-ўрта мактаб корпуси қурилишида актив қатнашаяпти. Жуковский кўчасида қад кўтарган турар жой биносидаги ишларни муддатидан илгари бажарганимиздан сўнг шу объектга кўчиб ўтдик. Қўлга киритаётган ютуқларимизда бригадамиз бўёқчиларидан Ф. Рўзиев, В. Ирклиенколарнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Тошкентимизнинг бугунги қиёфаси ўзгача. Шаҳар кўчаларини кезсангиз баҳри-дилингиз очилади. Проспектлар ҳуснига ҳусн қўшиб турган кўп қаватли иморатларни кўрганимда қалбим қувонч ҳисси билан лиммо-лим бўлади. Чунки бу биноларни бунёд этишда менинг ҳам улушим бор эканлигини ўйлаб фахрланаман. Ўша оғир йилларда Тошкентни қайта тиклашда қатнашган қурувчиларга ва ҳозирда ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бораётган азаматларга юракдан раҳматлар айтгим келади.

А. ЗАПОЛЬСКАЯ,
«Главташкентстрой»нинг 1-пардозлаш трестига қарашли 28-қурилиш бошқармаси бўёқчилар бригадаси бошлиғи.



Тошкентнинг 2000 йиллик тарихида кейинги 20 йил катта китобнинг бир саҳифасидек холос. Бироқ бу саҳифа шунчалик сермазмун ва жилокорки, унда қардош халқлар оиласидаги Совет Ўзбекистонининг барча ютуқлари, дўстларнинг забардаст қўллари билан қайта тикланган шаҳарнинг бутун кўрку тароватн мужассам. Тошкент яшнамоқда, кўкка бўй чўзмоқда.

С. ЛИДОВ ва ЎзТАГ фотолари.



## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида «КПСС Марказий Комитети апрель 1984 йил Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан халқ депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитетининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Фрунзе район Совети ижроия комитети ана шу талаблар асосида муайян ишларни амалга оширди.

Айни пайтда беш йиллик якунларига кўра районнинг кўпгина кўрсаткичлари пландаги талаблар даражасига чиқмади. 1985 йилда асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича капитал қурилиш плани қолоқлик билан бажарилди. 15,1 миллион сўмлик асосий фондларни ишга тушириш таъминланмади, 17,1 миллион сўмлик капитал маблағ, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари бўйича 8,4 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади.

Капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича қолоқлар қаторида Тошкент абразив комбинати (директори В. Ф. Редько), «Таштекстильмаш» заводи (директори В. И. Макашев), «Сортсемовощ» бирлашмаси (бошлиғи Н. И. Хўжаев) бор.

Шу йилнинг биринчи кварталида саноат иш якунларига кўра халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Маъмурий органларнинг ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши иши, маданий-оқартув муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат транспорти, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш ишидаги камчиликлар жиддий эътирозлар туғдиряпти.

Советлар олдида турган вазифаларни ҳал этишда аҳолининг ролини ошириш юзасидан Советнинг доимий комиссиялари, депутатлар ва жамоатчилик асосидаги органларининг ишида жиддий ўзгаришлар рўй бермади.

Ана шу ва бошқа камчиликлар шунинг учун ҳам рўй бермоқдаки, район Совети ижроия комитети ҳали ўз иш услубини ҳозирги талаблар асосида қайта қура олмади, совет, хўжалик органларининг раҳбарлари, ижроия комитет аппарати, унинг бўлимлари ва бошқармалари ходимларининг давлат интизомига риоя этишига эришмади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорини бажариш юзасидан халқ депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитетининг ишини етарлича эмас, деб топди. Ижроия комитетга КПСС XXVII съезди талаблари асосида план-кўрсаткичлари бажарилиши якунларини пухта таҳлил этиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида суръатларни жадаллаштириш учун барча резервлар ва имкониятларни қидириб топиш ва сафарбар этишга ижодий ёндошиш мажбуриятини юклади.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, 1986 йил учун белгиланган планларни бажаришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, айниқса халқ истеъмол моллари сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоғи даркор.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент область касаба союзлари Совети билан биргаликда темир-терсак, қора ва рангли металлар чиқиндиларни тайёрлаш — топшириш планини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришганлик учун шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини ҳам чиқарди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи: Куйбишев районига (район ижроия комитети раиси М. М. Умарова, «Вторчермет» вакиллари А. В. Козина ва Б. А. Ниёзов); Киров районига (район ижроия комитети раиси Р. Ҳ. Ҳикматуллаев, «Вторчермет» вакили Т. Г. Десятниченко) берилди.

Шаҳардаги бошқа бир қатор районларнинг ҳам планни бажариш борасида яхши ишлаганлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарни хўжалик ва маданий ривожлантиришнинг бир қатор бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Фарзандларимизнинг яқин дўстлари

БУГУН

**Тошкентда пионер матбуоти кунлари бошланди.**

Республикамизда бирорта хонадон йўқки, унга пионер матбуоти нашрлари кириб бормаган бўлсин. «Пионерская правда», «Ленин учқуни», «Пионер Востока» газеталари, «Пионер», «Гулхан», «Ғунча» сингари кўплаб журналлар бугунги кунда ўсиб келаётган кичкинтой авлоднинг яқин йўлдоши, маслаҳатгўйи, сирдоши бўлиб қолган.

«Менинг уйимда «Ленин учқуни» бўлмаган куни «Ленин учқуни»га ёзишдан тўхтасам керак, — деган эди Ленин мукофоти лауреати, академик-шоиримиз Ғафур Ғулом. — Аввал болаларим «Ленин учқуни» ўқиш ёшида эди. Ҳозир невараларим «Ленин учқуни» ўқиш ёшига етди. Кейин эвараларим ўқийди, албатта. Ҳаёт абадий бўлганидек, инсоннинг насли ҳам абадийдир. Улар кетма-кет келаверади. Мен ёзавераман...»

Атоқли шоиримиз айтганидек, ҳаёт давом этаверади. Пионер матбуоти эса коммунистик қурилишнинг янги-янги авлодларини вояга етказаверади. Бугун бошланган байрамда ҳам яқин келажакда зиммасига катта масъулият тушадиган кичкинтой авлод иштирок этмоқда. Эртага Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида ўғил-қизларимиз ҳузурига «Пионерская правда» газетасидан тортиб «Ғунча» журналигача меҳмонга келади. Пионер журналистлари улар билан турли-туман конкурслар, машғулотлар ўтказишади. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари газета ва журналларнинг оғзаки чиқишларида актив қатнашадилар.

Бугун эса В. И. Ленин номидаги пионер ва ўқувчилар республика саройида «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ёш ленинчиларда актив ҳаётий позицияни, эътиқод, юксак коммунистик ахлоқни шакллантиришда пионер ва ўсмирлар матбуотининг роли» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Бундан ташқари, байрам қатнашчилари ёш шоирлар, мухбирлар, конструкторлар, композиторлар, рассомлар ҳамда табиатшунослар секцияларининг машғулотларида қатнашдилар.

## СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1986 йил 11 майни иш куни деб ҳисоблашга қарор қилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг 1986 йил 11 майдаги фойдаланилмаган дам олиш куни уларнинг ҳар йилги отпускасига қўшилиб отпуска кунларига қандай ҳақ тўланса бу кун учун шундай ҳақ тўланади.

